

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 4 октябрь • № 40 (957)

Кўргазма

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИДА: ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Кеча "UZMEDEXPO – 2013" VI Халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси очилди. Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, "Ўзфарманоат" давлат акциядорлик концерни, Хорижий фармацевтика компаниялари ва ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари уюшмаси томонидан "IEG Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

"UzMedExpo-2013" тиббиёт кўргазмасида Ўзбекистон, Хитой, Германия, Италия, Швейцария, Украина, Россия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Покистон, Эрон сингари давлатлардан ўнлаб корхона ва фирмалар иштирок этмоқда. Кўргазма стендларида дори-дармон, тиббий диагностика, лаборатория ва даволаш ускуналари, табиий фармацевтика ва косметика маҳсулотлари, рентгенология, стоматология, физиотерапия, жарроҳлик, кардиология, тиббий реабилитация ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган янги препаратлар, техника ва технологиялар, санитария ва гигиена воситалари, тиббиёт соҳаси учун махсус мебеллар, минерал қўшимчалар ва витаминлар намойиш этилмоқда.

Таъкидлаш муҳимки, мамлакатимизда аҳолига бирламчи

тиббий-профилактика хизмати, шошилич ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофазалашнинг самарали тизими шакллантирилди. Аҳолига замонавий тиббий хизматни янада яқинлаштириш мақсадида вилоятларда кўп тармоқли тиббий диагностика марказлари ташкил этилди. Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом фарзандларни камолга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифасиг айланди. Маълумки, давлат бюджетининг асосий қисми мазкур соҳа ривожига ажратилиб, тиббиёт муассасаларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда.

Шу ўринда айтиш муҳимки, Ўзбекистонда бугунги кунда 1036 турдаги маҳаллий ва 4726

(Давоми 2-бетда).



ЭЗГУ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ...

Куни кеча юртимизнинг барча жабҳаларида ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг нишонланди. Айниқса, Юртбошимизнинг соҳа ходимларига йўллаган табриклар касб эгаларини янада тўлқинлантириб, меҳнатлари нечоғлиқ қадрланаётганлигини яна бир бор дилдан хис этдилар.



Шунингдек, Президентимизнинг 2013 йил 27 сентябрда «Ўқитувчи ва мураббийлар

куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимлардан бир гу-

руҳини мукофотлаш тўғрисида»-ги Фармонига мувофиқ, ёш авлодга таълим ва тарбия беришда ўзларининг беқиёс ҳиссаларини қўшган ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги ҳам соҳа мутахассислари қалбига ўзгача шуқуҳ бағишлаб, бу истиқлолимиз шарофати эканлигини эътироф этдилар. Албатта, улар меҳнатини қанчалар қадрласақда, озлик қилади. Чунки улар келажак ворисларимизга қалб кўри, кўз нури ила бор меҳрини бериб, илмнинг сарҳадсиз йўлларига етаклайди.

Барча жойларда ўтказилган байрам тантаналари қаторида мазкур санага бағишлаб Ўзбек Миллий академик театрида Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчиларини қутлаш ҳамда илк талабаларнинг Қасамёдини қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Байрам кечасини Тошкент фармацевтика институти ректори А. Юнусхўжаев кириш сўзи билан очиб, давлатимиз томо-



нидан ёш авлоднинг таълим-тарбиясига кўрсатилётган ғамхўрлик ва эътибор, яратилаётган шароит ва имкониятлар ҳусусида ўз фикрларини билдирди. Шунингдек, кўп йиллик ва машаққатли меҳнати билан институт фаолияти ривожланишида ҳамда фармацевтика соҳаси бўйича етук кадрларга касб сирларини ўргатиб келган ва келатётган устозлар меҳнати таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидлаб ўтди. Тадбир давомида ўзининг астойдил хизматлари, тинимсиз изланишлари билан талабаларга сабоқ бериб, жамоада ҳурматга сазовор бўлган бир гуруҳ соҳа ходимларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, аълочи ва иқтидорли талаба-ёшларга "Дори-дармон" АК ҳамда "Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази" томонидан таъсис этилган номдор стипендиялар сертификатлари топширилди. Сўнгра 1-курс талабалари муқаддас даргоҳ саҳнасида Қасамёд қабул қилдилар.

Тадбир ниҳоясида театр жамоаси томонидан Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" номли асари асосида саҳналаштирилган спектакль намойиш этилди.

Қўшмурод ЁМФИРОВ,
Тошкент фармацевтика институти талабаси.

Ислохот одимлари

САЛОМАТЛИК ВА ОБОД ТУРМУШ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг янги технология ва услубларини кенг жорий этиш, аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2013 йилнинг Обод турмуш йили, деб эълон қилиниши ва шу асосда ишлаб чиқилган Давлат дастури бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир.

Ёши улуғ юртдошларимиз яхши билади, бир пайтлар тобимиз қочиб, иситмалаб қолсак ҳам туман марказига боришга мажбур эдик. Чунки амбулатория, деб аталган кўримсизгина бинода бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун етарли шароит ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли аҳвол тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда аҳолининг сифатли, тезкор тиббий хизматдан фойдаланиши Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни билан мустаҳкамланди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури доирасида шошилинч тиббий ёрдам марказлари, туман тиббиёт бирлашмаларида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилиб, бепул, шошилинч ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2005 йил 1 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан соҳа ходимларининг меҳнати муносиб рағбатлантирилаётир. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи замонавий хизмат турлари – скрининг марказлари ташкил этилди, туғруқхоналарнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўз ўрнида ташкил этилиб, замонавий техника билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида сўнгги йилларда кўплаб ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди. 244 замонавий қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Таҳлилларга кўра, бугун воҳа аҳолисининг қарийб 95 фоизи қишлоқдаги бирламчи тиббий муассаса хизматидан унумли фойдаланиб, саломатлигини тикламоқда. Бунинг учун ҚВПлар "Саломатлик" дастурига мувофиқ жиҳозланиб, қон таҳлиллари олиб борадиган лабораториялар ташкил этилаётир. ЭКГ, офтомоскоп, ренаскоп сингари замонавий тиббий аппаратлар билан, дориҳона шохобчалари зарур дори-дармон билан таъминланмоқда. Беморларни кундузги стационарда даволаш, енгил жарроҳлик амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилаётир. Болалар, туғруқ ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштириш чоралари кўриломоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари аҳолининг

репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этаётир. "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Сурхондарёнинг Ҳовуз, Тўда, Шалдирок, Новбир, Гулҳовуз, Ўзбекистон каби олис ва чекка ҳудудларида саккизта қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди. Мазкур иш-шотларни қуриш учун уч миллиард 123 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шалдирок – Шўрчи туманидаги чекка маҳаллалардан бири. Йилдан-йилга чирой очиб, обод бўлиб бораётган маҳаллада сервис ва хизмат кўрсатиш ривожланмоқда. Жорий йилда 345 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига барпо этилган 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти маҳалла аҳлига ажойиб совға бўлди.

– Мустақиллик йилларида маҳалламиз қиёфаси тубдан ўзгарди, аҳолининг турмуш даражаси юксалди, – дейди "Шалдирок" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғаффор Йўлдошев. – Янги барпо этилган қишлоқ врачлик пунктида аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, аёллар ва болаларни замонавий тиббий кўрикдан ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

ИНСОН ҚАДРИ
ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Бир танишимнинг фарзанди бехосдан умуртқа суягидан жиддий жараҳат олди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида кўрикдан ўтказилгач, унга аниқ ва ишончли ташхис қўйилди. Мураккаб жарроҳлик йўли билан боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бундан 20-25 йил аввал умуртқа чурраси, юрак-қон томир касалликларини аниқлаш ва даволаш ўта мураккаб, қалтис иш саналарди. Ушанда энг самарали тиббиёт ускунаси – рентген аппарати бўлган шифохонанинг реанимация бўлимида беморни сунъий нафас олдириш учун баллонли кислород ҳам муаммо эди. Бошқача айтганда, оғир беморлар катта маблағ эвазига бўлса-да, Самарқанд, Тошкент шаҳарларидаги касалхоналардан шифо изларди. Истиқлол йилларида замонавий муҳташам бино қад ростлади. Ихтисослашган бўлимларда мижозларга тезкор, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун қулай шароит яратилди. Сўнгги русумдаги замонавий диагностика аппаратлари ҳар қандай касалликни бир зумда аниқлаб бераётир. Оғир жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган беморлар учун сунъий нафас олишига кўмаклашадиган ноёб ускуналар,

бинони қуёш батареяси ёрдамида иситиш ва ёритиш, тежамкор сенсорли лампалар, тоза, озода, шинам ётоқхона, ошхона, янги юмшоқ мебеллар...

– Бир пайтлар беморнинг аҳволини ўрганиш, касалликни аниқлаш учун икки-уч кун вақтимиз кетарди, – дейди тиббиёт маркази жарроҳи Аҳматилла Дўстбоев. – Жарроҳлик хоналарида ҳам шароит ҳаминқадар эди. Бугун аҳвол тамомила бошқача. Янги қурилган кенг, ёруғ кўп қаватли биноларда шифокор учун ҳам, бемор учун ҳам бирдек қулайлик яратилган. Бундан 25 йил муқаддам имконсиз, деб ҳисобланган операция ҳам бугун муваффақиятли бажарилмоқда. Энг муҳими, юртдошларимизнинг шифо излаб, узоқ-узоқларга боришига чек қўйилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган кўп тармоқли замонавий тиббиёт марказлари ва туман тиббиёт бирлашмаларини бошқариш жараёни такомиллаштирилиб, самарадорлиги оширилгани мамлакатимизда жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли, етук мутахассислар билан таъминланган тиббий муассасалар фаолиятини йўлга қўйишда муҳим омил бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, собиқ болалар шифохонасининг вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилгани келажагимиз эгаларини соғлом вояга етказиш ва касалликларнинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда.

– Шифохонанинг кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилгани фаолиятимизда туб бурилиш ясади, – дейди тиббиёт маркази бош шифокори Абдусамат Норқобилов. – Хорижнинг илғор тиббий технологиялари кенг жорий этилди, тиббиёт ходимларининг касб маҳоратини оширишга эътибор кучайди. Хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги ошди. Айни пайтда болаларнинг урологик ҳамда ўн икки бармоқли ичак тугма нуқсон ва касалликлари ҳам шу ернинг ўзида жарроҳлик йўли билан даволанмоқда.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида Жаҳон банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Саломатлик-3" лойиҳаси юртимизда янгидан қурилиб ёки реконструкция қилиниб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган 54 туман, шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тўрттаси Сурхондарё вилоятида қайта бўй кўрсатмоқда. "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш вилоят бюроси директори Зокир Мамараҳимовнинг таъкидлашича, вилоятдаги барча туман тиббиёт бирлашмалари хорижнинг рақамли ультратовуш текширув аппаратлари билан таъминланаётир. Капитал реконструкция қилинаётган Жарқўрғон, Шеробод, Шўрчи ва Кумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаларида хизмат кўрсатиш қўлами кенгайиб, сифати яхшиланмоқда. Тер-

миз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, онкология диспансери, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда сил касалликларига қарши кураш диспансери капитал реконструкция қилинмоқда, замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланаётир.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА
– СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Она ва бола саломатлиги – давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарорлари бу борадаги ишлар қўламли кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Жорий йилнинг 8 ойида вилоятда ташкил этилган саломатлик ҳафталикларидан фертил ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. 14 ёшгача бўлган болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикка жалб этилиб, касаллик белгилари мавжуд ўғил-қизлар бепул даволанмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазири ва Тошкент тиббиёт академиясининг малакали мутахассислари иштирок этаётган саломатлик ҳафталиклари аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш имконини бермоқда. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган даволаш-профилактика муассасалари ва тиббиёт бирлашмалари ҳамкорлигида ўтказилаётган бундай тадбирларда олис ва тоғли қишлоқларнинг ёшлари ҳам, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам тўлиқ қамраб олинди, чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилаётир.

"Соғлом она – соғлом бола" шиори остида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар самарасида хотин-қизлар ўртасида ҳар хил экстрагенитал касалликлар, оналар ўлими, ногирон болалар туғилиши кескин камайишига эришилмоқда. Жисмоний ва маънавий баркамол авлод вояга етаётир. Маълумотларга кўра, Сурхондарёда 6-15 ёшли болалар ўртасида юқори нафас йўлларида вирусли инфекцияси 2012 йилда 2003 йилга нисбатан 32,5 фоиз, пневмония 39 фоиз, скалиоз билан касалланиш 27,3 фоиз камайган. Соҳада эришилаётган бундай ютуқлар, ҳаётимизда содир бўлаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар халқимиз қалбида эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Ў.А.

Кўргазма

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИДА: ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

хорижий дори воситалари рўйхатга олинган. Фармацевтика ва тиббиёт техникаси соҳасида 279 хорижий ва 46 маҳаллий корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

– 2001 йилдан буён фаолият юритиб келаётган компаниямиз тиббиёт техникаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ва

импорт қилишга ихтисослашган, – дейди "Ab Form Sistem" компанияси директори Илхом Ҳасанов. – Улар орасида стоматология, жарроҳлик, косметология, лаборатория, физиотерапия, отоларингология, офтальмология, реабилитация

"UzMedExpo" – 2013" кўргазмасининг ўтказилиши нафақат ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек самарали муносабатларни йўлга қўйиш, мутахассисларни тиббиёт соҳасидаги энг янги ютуқлар тўғрисидаги ахборот билан таништириш баробарида мамлакатимизда ўтказилаётган соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилишда иборат бўлиб, асосан аҳоли саломатлигини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.



Инвестиция дастури амалда

ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТ КЕНГЛИГИ

тиббий хизмат сифатида намоён

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида замон талабидоги бинолар бунёд этилаётгани ва унда хизмат кўрсатаётган малакали тиббиёт ходимлари, янгидан-янги даволаш-диагностика асбоб-ускуналарининг амалиётга жорий этилиши ҳар қандай кишини қувонтириши, табиий. Айниқса, Инвестиция дастури асосида республикаимиз бўйлаб олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари бугунги кун талабига мос бўлиб, бу туман тиббиёт бирлашмалари бўлимлари, кўп тармоқли поликлиникалар, шунингдек, бирлашма ҳудудидаги барча бўлимларнинг бир жойда жойлашаётганлиги у ерда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ва аҳоли учун кенг қулайликларни яратмоқда. Ушбу дастур доирасида тиббиёт муассасалари талабга жавоб бериши, реконструкция қилиниши, тиббий асбоб-ускуналар ҳамда юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланиши борасидаги ишларнинг изчиллик билан олиб борилаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

лигини кўриб, дастурнинг асл моҳияти инсон саломатлиги учун нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

– Авваламбор, Юртбошимизга соҳага қаратаётган эътиборлари учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Ҳақиқатан ҳам бундан бир неча йиллар олдинги шифохонамиз билан бугунги кунда ўзининг нуфузли номига эга бўлган Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказимизнинг ички ва ташқи кўринишлари бир-биридан катта фарқ қилади.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан соҳага оид чиқарилган қарор ва фармонлар замирида ин-



Республикаимизнинг ҳатто чекка ҳудудларида фаолият юритаётган ҳар бир тиббиёт муассасаларида янги биноларнинг қад кўтараётганлиги, айниқса, туман тиббиёт бирлашмаларининг бир жойда жойлашуви (оптимизация) Инвестиция дастурининг асосий мақсадларидан бири эканлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида сафар хизматида бўлганимизда, Инвестиция дастури асосида шифо масканларининг ички ва ташқи кўриниши ҳар қандай

кишини кайфиятини кўтариб, тиббиётга бўлган ишончини орттираётганлиги ҳамда давомий ишларни қизғинлик билан олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида бундан уч йил олдин бўлганимизда қурилиш ва монтаж ишларининг олиб борилаётганини кўрган эдик.

Кун кеча бўлганимизда шифо масканига ташриф буюришимиз билан ҳудуддаги тозалик ва озодлик, маслаҳат-диагностика поликлиникасининг янгидан қад кўтарганлиги ва асосий корпусда қайта таъмирлаш ишларининг якунига етаётган-

сонлар манфаати ва унинг саломатлигини мужассамлиги жамият тараққиётининг юксалишидаги асосий мезон эканлиги ҳар биримиз учун фахр ва ифтихордир. Дарҳақиқат, Президентимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган эътибор ва гамхўрликларидан бундан мустасно эмас. Эътирофлиси шундаки, мамлакатимизда болалар кўп тармоқли марказларнинг ташкил этилиши ва уларнинг Инвестиция дастури асосида бунёд этилаётганлиги болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт

маркази бош врач Алима Маткаримова. – Инвестиция дастури асосида 2011 йилда 100 ўринга мўлжалланган маслаҳат-диагностика поликлиникаси ҳамда 30 ўринга мўлжалланган асаб касалликлари бўлими фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 2012 йилда маъмурият учун мўлжалланган янги бино ҳамда гематология бўлими қайта таъмирдан чиқарилиб, айни

Албатта, бундай эзгу ишларнинг бардавомлиги фарзандларимиз саломатлиги йўлида қилинаётган экан, бу борада ишлар сифати ва самарадорлигига ҳар биримиз масъул бўлиб, ҳамжихатликда иш олиб боришимиз мақсадга мувофиқдир.

кунда аҳоли хизматида.

Тез кунларда ниҳоясига етиш арафасида турган даволаш корпуси (хирургия, ортопедия, реанимация, ревмокардиология, пульмонология, операцион блок, клиник-биохимия лабораторияси, қабул бўлими, рентген кабинети, ички дорихона бўлимлари)да реконструкция ишлари изчиллик билан олиб борилаётганлиги.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

Семинар

НАТИЖАЛАР ВА
ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда ЎзДЖТУ ва ЎЗМУнинг журналистика факультети билан ҳамкорликда “Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижалар, истиқболдаги вазифалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов кичи сўзи билан очиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ошқоралигини таъминлаш жараёнида мустақил ОАВни ривожлантириш, уларнинг фуқаролик институтлари тизимидаги ролини кучайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганлиги, қолаверса, ОАВни эркин ривожлантириш, уларга жамиятнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, ахборот соҳаси ва янги ахборот-коммуникация технологияларни жадал ривожлантириш, журналистлар фаолиятининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси кафолатлари, ОАВ маркетингини ва

рақобатбардош муҳитни шакллантиришнинг демократик талаблар ҳамда стандартларга жавоб берувчи қонунчилик базаси яратилганлиги, шунингдек, журналист кадрларни тайёрлаш, олий таълим юрларида медиатаълим жараёни олиб борилаётганлиги тўғрисида атрафлича тўхталди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ҳам кенг қўламли ишлар ҳамда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида марказий ва ҳудудий босма ОАВ журналистлари учун бевосита фонд ташаббуси билан 76 та семинар-тренинг, давра суҳбати ва учрашувлар ташкил эти-

либ, икки минг нафардан зиёд оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди, тадбирлар қуйидаги лойиҳалар доирасида ташкил этилди.

Ҳудудий ОАВда фаолият юритаётган журналист кадрларнинг мамлакатимиз етакчи нашрлари таҳририятлари ва ахборот агентликлари, таълим марказларида малака ошириш ва тажриба алмашиш бўйича тадбирларни ташкил этиш лойиҳаси. Ушбу лойиҳада 500 нафардан зиёд ҳуқуқий мавзуда ижод қиладиган журналист кадрлар қатнашди. Жорий йилнинг ўзида 60 нафардан зиёд иштирокчи пойтахтимиздаги ОАВда ўз малакаларини оширдилар. Улар ахборот агентликларида, интернет нашрларида тажриба алмашдилар.

Юқорида қайд этилган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган ғоя ва ташаббусларга мувофиқ касбий фаолиятни фаоллаштиришнинг янги шакллари-

Тадбир сўнггида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.
Диёра БОЗОРОВА.

ни белгилаш ҳамда ахборот соҳаси олдида турган кенг қамровли вазифалар батафсил муҳокама этилди.

Фонд томонидан жорий йилда бир қанча таҳририятлар моддий-техник базасини мустақамлаш ва таҳририят ходимларининг иш шароитини яхшилаш, узоқ вақт журналистика соҳасида фаолият кўрсатиб келган фахрийларни кўп йиллик ва самарали меҳнатларини қадрлаш мақсадида турли лойиҳалар қўллаб-қувватланди. Шу билан бирга, жорий йилда журналистикаимиз ривожланиши, журналистларнинг фуқаролик позицияси ва мустақил фикрлашини шакллантириш, ОАВ ходимлари касб маҳоратини ошириш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида “Эътироф”, “Жамият ва Мен”, “Инсон ҳуқуқлари – журналист нигоҳида” каби танловлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, фонд томонидан журналист кадрлар айниқса, ёш мутахассисларни қайта тайёрлашни такомиллаштириш, уларни мазкур соҳада эътирофга сазовор бўлган профессионал журналистлар ва мутахассислар тажрибаси ҳамда маҳоратидан келиб чиққан ҳолда касбий кўникмаларини ошириш жараёнига жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Миннатдорчилик

ЭЗГУ
ТИЛАКЛАРИМИЗ
СИЗЛАРГА

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас, деганларидек, агар бирор дард сизни безовта қилса, кўз ўнгингизга шифокорлар келар экан. Нафақат сиз улар билан хаёлан учрашасиз, яқинларингизнинг чорловига биноан, оқ халат соҳиб ва соҳибалари бемор этган жойга тезкорлик билан етиб ҳам келишади. Навоий шаҳрида жойлашган вилоят шифохонасига нимадир қаттиқ безовта қилганда борган беморлар самимият билан қарши олинади. Бош шифокор Ўткир Бахромов, даволовчи врачлар Д. Караева, М. Абдуллаевлар ҳар бир бемор билан илиқ муносабатда бўлиб, ўз касбий маҳоратларини ишга солади-лар ва уларнинг саломатликларини тиклаб олишларига аввало, ширинсуханлик ва дори-дармонлар билан ёрдам кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам даволанаётган инсонларнинг барчаси уларга энг эзгу ният ва тилакларини билдиради.

М. ШИШКИНА,
Х. НОСИРОВА,
О. ХОЛИҚОВА,
Навоий шаҳри.

Умумий амалиёт врачлари учун

АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИ
ДАВОЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1. Артериал гипертензиянинг таърифи ва таснифи

Артериал гипертензия (АГ) – “гипертония касаллиги”да ва маълум аъзо ва тизимларнинг қатор касалликларидан рўй берадиган артериал босим (АБ)ни олиш синдромидир. АГ систолик АБ \geq 140 мм. с.у., диастолик АБ \geq 90 мм. с.у.дан ошишида диагностика қилинади

АБ тоифали	САБ (мм.с.у.)	ДАБ (мм.с.у.)
Оптимал	< 120	ва
Нормал	120-129	ва/ёки
Юқори нормал	130-139	ва/ёки
1-даражали АГ	140-159	ва/ёки
2-даражали АГ	160-179	ва/ёки
3-даражали АГ	>180	ва/ёки
Алоҳида систолик АГ	\geq 140	ва

2. УМУМИЙ ЮРАК ҚОН-ТОМИР ХАВФИ

Беморларни фақатгина АБ даражасига қараб эмас, балки умумий юрак қон-томир хавфи бўйича ҳам таснифлаш зарур. Умумий юрак қон-томир хавфи омиллари, нишон аъзолари шикастланиши ва аниқланган юрак қон-томир ва буйрак касалликларининг мавжудлигига қараб аниқланади.

Даволаш тактикасини танлаш (бошланғич медикаментоз даволаш, АБнинг мақсадли кўрсаткичи, комбинирлашган терапияни қўллаш, статинлар ва бошқа гуруҳ препаратларини қўллаш зарурлиги) умумий юрак қон-томир хавфини бошланғич даражасига боғлиқ.

Умумий юрак қон-томир хавфи 10 йил давомидаги юрак қон-томир асоратлари ва ўлимни мутлоқ хавфи сифатида аниқланади. Умумий юрак қон-томир хавфи паст, ўртача, юқори, жуда юқори кўшимча хавф даражаларига ажратилади. “Кўшимча хавф” ибораси ўртача даражадаги умумий юрак қон-томир хавфига нисбатан кўшимча хавфни аниқлатади.

Умумий юрак қон-томир хавфини аниқлашда бир қанча усуллар мавжуд.

“Фремингем модели” бўйича паст хавфда 10 йил давомидаги юрак қон-томир асоратлари ва ўлим эҳтимоли <15%, ўртача хавфда – 15-20%, юқори хавфда – 20-30%, жуда юқори хавфда – >30%ни ташкил қилади.

SCORE бўйича паст хавфда юрак қон-томир асоратлари ва ўлим эҳтимоли <5%, ўртача хавфда – 5-9%, юқори хавфда – 10-14%, жуда юқори хавфда – >15%ни ташкил қилади.

3. УМУМИЙ ЮРАК ҚОН-ТОМИР ХАВФИНИ АНИҚЛАШ
(СТРАТИФИКАЦИЯ)

ХО, НАШ, АК	АБ, мм.с.у.				
	Нормал САБ 120-129 ёки ДАБ 80-84	Юқори нормал САБ 130-139 ёки ДАБ 85-89	1-даражали АГ САБ 140-159 ёки ДАБ 90-99	2-даражали АГ САБ 160-179 ёки ДАБ 100-109	3-даражали АГ САБ >180 ёки ДАБ >110
ХО йўқ	Ўртача	Ўртача	Ўртача кўшимча хавф	Ўртача кўшимча хавф	Юқори кўшимча хавф
1-2 ХО	Паст кўшимча хавф	Паст кўшимча хавф	Ўртача кўшимча хавф	Ўртача кўшимча хавф	Жуда юқори кўшимча хавф
3 ва ундан кўп ХО, МС, НАШ, ҚД	Ўртача кўшимча хавф	Юқори кўшимча хавф	Юқори кўшимча хавф	Юқори кўшимча хавф	Жуда юқори кўшимча хавф
АК	Жуда юқори кўшимча хавф	Жуда юқори кўшимча хавф	Жуда юқори кўшимча хавф	Жуда юқори кўшимча хавф	Жуда юқори кўшимча хавф

ХО – хавф омиллари, НАШ – нишон аъзолари шикастланиши, МС – метаболик синдром, ҚД – қандли диабет, АК – аниқланган юрак қон-томир ва буйрак касалликлари.

4. ЮРАК ҚОН-ТОМИР ХАВФИНИ АНИҚЛАШДА
Қўлланиладиган клиник ҳолатлар

ХАВФ омиллари	Нишон аъзолари шикастланиши
<ul style="list-style-type: none"> САБ ва ДАБ даражаси Пульс босим даражаси (қаринларда) Ёш (эркаклар > 55 ёш, айёллар > 65 ёш) <ul style="list-style-type: none"> Чеканиш Дислипидемия: <ul style="list-style-type: none"> Умумий холестерин\geq5,0 ммоль/л (190 мг/дл) ёки Кам зичликдаги липопротеинлар холестерини\geq3,0 ммоль/л (115 мг/дл) ёки Юқори зичликдаги липопротеинлар холестерини эркаклар <1,0 ммоль/л (40 мг/дл), айёллар <1,2 ммоль/л (46 мг/дл) ёки 	<ul style="list-style-type: none"> Чап қоринча гипертрофиясининг электрокардиографик белгилари (Соколов-Лайон белгиси \geq38 мм Корнел индекси \geq2440 мм²) ёки Чап қоринча гипертрофиясининг эхокардиографик белгилари (ЧҚМММ \geq125 г/м² эркаклар учун ва \geq110 г/м² айёллар учун) <ul style="list-style-type: none"> Уйқу артерияси деворининг қalinлашиши (ИМҚ \geq 0,9 мм) ёки магистрал томирларда атеросклеротик плакчалар Пульс тўқинининг уйқу артериясидан сон артериясигача бўлган тезлиги \geq12 м/с Тўқик-елка индекси < 0,9 Қон зардобидagi креатинин миқдорининг қисман ошиши;

<ul style="list-style-type: none"> Триглицеридлар\geq1,7 ммоль/л (150 мг/дл) Наҳорги плазмадаги глюкоза 5,6-6,9 ммоль/л (102-125 мг/дл) <ul style="list-style-type: none"> Глюкозага толерантликнинг бузилиши Абдоминал семизлик (эркакларда бел айланаси\geq102 см, айёлларда\geq88 см) Ўрта юрак қон-томир касалликлари бўйича оилавий анамнез (эркакларда\geq55 ёш, айёлларда\geq65 ёш) 	115-133 ммоль/л (1,3-1,5 мг/дл) эркаклар учун ва 107-124 ммоль/л (1,2-1,4 мг/дл) айёллар учун <ul style="list-style-type: none"> Паст кўпқанчалар филтратциясининг тезлиги (< 60 мл/мин/1,73 м²) MDRD формуласи бўйича ёки паст креатинин клиренси (< 60 мл/мин) Коокрофт-Голт формуласи бўйича Микроальбуминурия (30-300 мг/сут) ёки оиладаги альбумин/креатинин нисбати \geq22 мг/г эркаклар учун, \geq22 мг/г айёллар учун
---	--

Қандли диабет	Аниқланган юрак қон-томир ва буйрак касалликлари
<ul style="list-style-type: none"> Плазмадаги наҳорги қанд миқдори \geq7,0 ммоль/л (126 мг/дл) ёки Постпрандиал (овқатдан кейинги) қанд миқдори > 11,0 ммоль/л (198 мг/дл) 	<ul style="list-style-type: none"> Цереброваскуляр касалликлар: ишемик инсульт, геморрагик инсульт, транзитор ишемик атака Юрак касалликлари: миокард инфаркти, стенокардия, коронар ревааскуляризация, сурункали юрак етишмовчилиги Буйрак касалликлари: диабетик нефропатия, буйрак етишмовчилиги: зардобдаги креатинин$>$ 133 ммоль/л (> 1,5 мг/дл) эркаклар учун ва >124 ммоль/л (> 1,4 мг/дл) айёллар учун, протеинурия (> 300 мг/сут) Периферик артериялар касаллиги Чуқур гипертоник ретинопатия: қонқуйилишлар ёки экссудатлар, кўрув нерви сўргичининг шиши

5. ДИАГНОСТИК ТЕКШИРУВ

Мақсадлар:

- АБ даражасини аниқлаш
- Иккиламчи АГ ҳолатларини аниқлаш
- Куйидагиларни аниқлаш:
 - бошқа хавф омиллари;
 - нишон аъзолари шикастланиши;
 - ёндоз касалликлар;
 - ёндоз юрак қон-томир ва буйрак асоратлари.

Муолажалар:

- АБ қайта ўлчаш
- Шикоятлар ва анамнез йиғиш
- Физикал текширишлар
- Лаборатор ва инструментал текшириш усуллари

6. АРТЕРИАЛ БОСИМНИ ЎЛЧАШ

● АБни ўлчаш куйидагича амалга оширилади:

- бемор бир неча дақиқа тинч ҳолатда ўтириши зарур;
- 1-2 дақиқа оралигидаги 2 марта ўлчаш натижалари ҳисобга олинади;

* стандарт манжета (12-13 см қалинликда ва 35 см узунликда) ишлатилади, лекин семиз қўлда АБни ўлчаш учун катта манжета ёки ингичка қўл ёки болалар учун кичкина манжета бўлиши зарур;

* беморнинг ҳолатидан қатъи назар, манжетани қўлга юрак даражасида қўйиш керак.

* манжетадан ҳавони секин-аста, дақиқасига 2 мм с.у. тезлигида чиқариш зарур;

* САБ ва ДАБни аниқлаш учун Коротков тонларининг 1 ва 5 фазаларини қайд қилиш;

* биринчи кўрувда периферик томирлар касалликлари туфайли учраши мумкин бўлган фарқни аниқлаш учун АБни иккала қўлда ўлчаш зарур. Агар фарқ аниқланса, АБнинг баланд кўрсаткичи ҳисобга олинади;

* кекса, қандли диабетли ва постурал гипотензия эҳтимоли бор беморларда АБни вертикал ҳолатда 1 ва 5 дақиқадан сўнг ўлчаш зарур;

* юрак уриш сонини аниқлаш (30 сониядан кам бўлмаган вақт давомида).

7. АРТЕРИАЛ БОСИМНИ АМБУЛАТОР
ВА УЙ ШАРОИТИДА ЎЛЧАШ

АБни амбулатор шароитда ўлчаш
● Офис АБ АГ мавжудлигини баҳолашдаги ишончли усул бўлса ҳам, АБни амбулатор мониторинг ҳам даволанмаган, ҳам даволанган АГли беморларда юрак қон-томир хавфини аниқлашда ойдinлик киритиши мумкин.

● Амбулатор шароитда АБни мониторингга кўрсатмалар:
- АБнинг офис ўлчашдаги натижалари юқори вариабеллиги;
- умумий юрак қон-томир хавфи паст беморларда юқори офис АБ;

- даволаш муассасасида ва уй шароитида аниқланган АБ даражаларидаги сезиларли фарқ;
- антигипертензив терапияга турғунлик;
- АГли шахсларда, айниқса ёши катта беморлардаги гипотензия ҳолатлари;
- тунги апноэ ҳолатлари;
- ҳомилдорларда юқори офис АБ ёки преэклампсияга шубҳа қилинганда.

Амбулатор шароитдаги ўртача суткалик АБнинг меъёрий даражаси офис АБнинг меъёрий даражасидан паст: САБ<125-130 мм с.у. ва ДАБ < 80 мм с.у.

● Уй шароитида АБни мустақил ўлчаш муҳим клиник аҳамиятга эга. Куйидагиларни аниқлаш учун уй шароитида АБни ўлчаш зарур:

- антигипертензив терапия самарадорлиги ҳақида маълумот олиш учун;
- беморларни даволашга мойиллигини яхшилаш учун;
- амбулатор шароитида АБни аниқлашни ишончлилигини баҳолаш учун.

● Уй шароитида АБни мустақил назорат қилиш чегараланади:

- агар АБни мустақил назорат қилиш беморда ҳавотирликни оширсин;
- АБни мустақил назорат қилиш даволаш схемасини бемор томонидан ўзгартиришга олиб келса;

Уй шароитидаги АБнинг меъёрий даражаси офис АБнинг меъёрий даражасидан паст: САБ<130-135 мм с.у. ва ДАБ<85 мм с.у.

Уй шароитидаги АБнинг меъёрий даражаси офис АБнинг меъёрий даражасидан паст: САБ<130-135 мм с.у. ва ДАБ<85 мм с.у.

Уй шароитидаги АБнинг меъёрий даражаси офис АБнинг меъёрий даражасидан паст: САБ<130-135 мм с.у. ва ДАБ<85 мм с.у.

Уй шароитидаги АБнинг меъёрий даражаси офис АБнинг меъёрий даражасидан паст: САБ<130-135 мм с.у. ва ДАБ<85 мм с.у.

АЛОҲИДА ҲОЛАТЛАР

Ажратилган офис АГ ёки “оқ халат” гипертензияси деб, офис АБ \geq 140/90 мм с.у., лекин амбулатор ёки уй шароитидаги кундузги АБ меъёрида (<130-135/85 мм с.у.) бўлган ҳолатга айтилади. Бундай беморларда юрак қон-томир хавфи офис, амбулатор ёки уй шароитидаги юқори АБли беморларга қараганда паст, лекин нормал АБли кишиларга қараганда юқоридир.

Ажратилган амбулатор АГ ёки ниқобли АГ деб, офис АБ меъёрида (<140/90 мм с.у.), лекин АБ мониторингдан юқори (\geq 125-130/80 мм с.у.) ёки уй шароитида ўлчанганда АБнинг юқори бўлиши (\geq 130-135/85 мм с.у.) ҳолати кўзда тутилади. Бундай кишиларда юрак қон-томир хавфи АГли беморлардаги хавфдан фарқ қилмайди.

8. АНАМНЕЗ ВА ФИЗИКАЛ ТЕКШИРУВ
Оилавий ва шахсий анамнез:

- АГ давомийлиги, АБнинг олиши даражаси
 - Иккиламчи АГ белгилари
 - Хавф омиллари
 - Нишон аъзоларини шикастланиш симптомлари
 - Аввалги антигипертензив даволаш (самарадорлиги)
 - Атроф-мухит, оилавий, ишдаги ва бошқа омиллари
- Физикал текширув**
- Иккиламчи АГ симптомлари
 - Нишон аъзоларининг шикастланиш симптомлари
 - Абдоминал семизлик.

Г. ҲАМИДУЛЛАЕВА,
тиббиёт фанлари доктори,
Н. СРОЖИДИНОВА,
тиббиёт фанлари номзоди.
Республика иختисослаштирилган кардиология маркази мутахассислари.
(Давоми бор).

Мулоҳаза мушоҳадага чорлайди

МЕЪЁРИДАН ОШГАН ШОВҚИН

саломатликка салбий таъсир этувчи зарарли омилдир

Инсон саломатлигига катта зарар келтирадиган омилларидан бири шовқин десак хато қилмаган бўламиз. Ҳозирги пайтда шовқин кирмаган ёки таъсир этмаган жойни топиш қийин.

Шовқинга икки хил қараш мавжуд. Биринчисиди, шовқин саломатликка ҳеч қандай зарар келтирмайди, дейилса, иккинчисиди, шовқин саломатлик кучшандаси дейилади. Изланишлар натижасида асосан ёшлар шовқинни ёқлагани маълум бўлди. Унинг зарари тўғрисида фикрловчилар катта ёшдаги кишилар бўлиб, улар кўпчиликни ташкил қилар экан. Бу мунозарда ким ҳақ ва ким ноҳақ эканлиги тўғрисида гапиришдан аввал шовқин ўзи нима, қандайи фойдали-ю, қандайи зарарли, унинг турлари ва у келтириб чиқарадиган касалликлар тўғрисида гапирмоқчимиз.

Инсон ҳамма вақт товушлар дунёсида яшаб келган. Лекин ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз вақт-соати, меъёри бор. Шу жумладан, табиий ва сунъий шовқин-суроннинг ҳам. Дейлик, денгиз ёки дарё бўйидаги тўлқиннинг ҳаддидан ошиб-тошиб қирғоққа урилиши, боғда булбуллар сайраши, ёмғир ёғиши, барглари шитирлаши, қурбақалар қуриллаши, чигирткалар чириллаши ва ҳоказолар одамнинг руҳияти, кайфиятини кўтарди, тинчлантиради, саломатлигига фақат ижобий таъсир қилади. Шу боисдан ҳам фурсат ва имконият топиб, сўлим ва тинч гўшалар, дала ва боғларда сайр қилиш, дам олиш нақадар фойдали. Ёки

ўзингга маъқул бўлган бирор яхши куй, кўшиқни маромида тинглаш, ақлий ва жисмоний меҳнат билан шугулланишга, роҳат қилишга нима етсин.

Бироқ шовқин-суронлар меъёридан, ҳаддидан ошганда-чи? Юрагинг безов-

та бўлади, қон босиминг ошади ёки тушадиди, қулоғинг шангиллаб, бошинг гувиллайди, кўзинг тинади, хотиранг сусаяди, ишингда унум йўқ, уйқинг бузилади, тажанг бўлиб қоласан.

Жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ҳамда транспорт воситалари тараққиёти йилдан-йилга тобора ривожланиб, йирик шаҳарлардаги шовқин-сурон меъёридаги 10-12 децибалдан ошиб кетаётганлиги ниҳоятда ташвишлидир. Дарҳақиқат, олимлар таъкидлаганидек, шовқин ҳозирги замон офати ва техника тараққиётининг энг ноҳуш ва зарарли маҳсулидир. Аҳамият берсангиз, биргина пойтахтимиз Тошкентнинг ўзида бир кеча-кундузда озмунча транспорт воситалари ҳаракат қилади-ми? Кўчаларда йўловчилар кўпайган вақтларда уларнинг сони тахминан нечтага чиқишини бир ҳисоблаб кўрганмисиз? Ишлаб чиқариш ривожланган мамлакатларда транспорт воситалари

шу қадар кўпайиб кетганки, АҚШ, Канада, Австралия, Швейцарияда 2-3 кишига 1 та, Германия ва Францияда 3-4 та автомобиль тўғри келади. Бизнинг юртимизда деярли ҳар бир хонадонда ўрта ҳисобда 1-2 та транспорт воситаси бор. Умуман олганда, бутун ер юзиди 700-800 миллиондан зиёд турли транспорт воситалари мавжуд. Улардан чиқаётган ноҳуш хид, кўтарилаётган шовқин-суронлар инсон саломатлигига озмунча зарар етказаяптими? Энг муҳими, бундай ноҳуш кўринишларга биз қандай му-



носабатда бўлмоқдамиз? Уларни бартараф этишда фаол қатнашмаямизми, шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя қилаямизми?

Бу ерда гап асосан шовқин-сурон ҳақида кетаётгани учун шуни айтиш жоизки, аввало товуш физик ҳодиса сифатида қаттиқ, суяқ ва газсимон модда, жисмлар тўлқинсимон тебраниши маҳсулидир. Ҳар қандай тебраниш атроф-муҳитнинг бирор қисмидан ўтар экан, ундаги маълум бир заррачаларни тебратлади. Бу тебранишлар, албатта, бир заррачадан иккинчисига ўтиб, ҳаво-

